Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 206 (21. 073) 1991 йил 24 октябрь, пайшанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

И. А. КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОСИ БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси нинг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзоси бўлди.

Ҳозирги вақтда таъсис съездини чақирувчи ташкилот комитетига КПСС аъзоларидан қайта рўйхатга олишни сўраб 250 мингтадан кўпроқ ариза тушди, сал кам 55 минг киши Ўзбекистон ХДП га аъзо бўлиб кириш истагини билдирди. Қайта рўйхатдан ўтказиш ва янги партияга қабул қилиш давом этмоқда.

Шаҳар ва район таъсис конференцияларининг иши ниҳоясига етмоқда. Бу конференцияларда делегатлар янги сиёсий ташкилотнинг матбуотда эълон қилинган Дастури ва Низоми лойиҳаларини чуқур ва қизғин муҳокама қилмоқдалар, бу муҳим ҳужжатларга аниқ-равшан мулоҳаза ва таклифлар киритмоқдалар. Шу йилнинг 25—26 октябрь кунлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар таъсис конференциялари иш бошлайди.

УКРАИНА ОЛИЙ КЕНГАШИГА

Украинанинг муҳтарам халқ депутатлари!

Мамлакатни оғир иқтисодий ва сиёсий тангликдан имкони борича тезроқ қутултириш, одамлар турмушини нормал изга қайтариш муддаоси билан сизларга мурожаат қиляпмиз. Ҳозир гап кўп миллатли Ватанимизнинг тақдири ҳақида бормоқда. Бинобарин халқларимиз ўз тараққиётининг энг муҳим муаммоларини фақат биргаликда ҳал эта олишларига, ўзи ва авлодлари учун муносиб келажакни барпо қила олишларига ишончимиз комил.

Мамлакатда август воқеаларидан кейин рўй берган ўзгаришлар принципиал янги сиёсий вазиятни вужудга келтирди. Жамиятни демократик негизда тубдан янгилаш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланмоқда. Ҳар бир халқ ўз давлатчилиги шаклини эркин танлаб олиши учун шароит вужудга келмоқда.

Озодлик ва мустақиллик — ҳар бир халқнинг табиий ҳуқуқи ва унинг ривожланиш шартидир.

Озодлик ва мустақиллик — халқларнинг чинакам ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида бирлашуви учун шарт-шароит ҳамдир.

Бундай иттифоқ ҳаётий заруратдир. Кўп миллатли давлатимизнинг бутун тарихи ва халқларимиз турмушига сингиб кетган анъаналар шундан дарак беради. Кўп миллионлаб кишиларнинг энг муҳим эҳтиёжлари, таг-заминли халқаро омиллар шуни тақозо этади.

Асрлар давомида халқларимиз биргаликда буюк маънавий маданиятни бунёд этдилар. Ҳозир улар тарқалиб кетишса, улардан ҳар бири учун ҳам, жаҳон илму-маърифати учун ҳам ўнгланмас йўқотиш бўлур эди.

Иқтисодиётимиз ҳозир қай аҳволда эканини биламиз. Аммо у неча ўн йиллар давомида яхлит халқ хўжалиги мажмуи доирасида ривожланиб келганлиги маълум. Шу зич тўқимани икки-уч жойидан узиб юборсангиз, у чок-чокидан сўкилиб, ҳаммаси барбод бўлиши муқаррар. Хўжалик алоқалари узилишининг ҳалокатли оқибатларини ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатнинг барча республикалари ва минтақаларидаги одамлар ҳис қилиб турибдилар.

Кўп миллатли давлатимиз тараққиётининг узоқ йиллари мобайнида унинг бепоён кенгликларида миллатлар ва халқлар аралашиб кетди, деса бўлади. Ҳозир миллионлаб, ҳатто ўн миллионлаб кишилар ўз миллий республикаларидан ташқарида яшаб туришибди. Уларнинг яккаланиши нуфус соҳасида муқаррар ларзага олиб борган бўлур эди. Юз минглаб қочоқларнинг фожиали тақдирини ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Бир неча авлоднинг машаққатли меҳнати туфайли ва қурбонлар эвазига ўта буюк давлатимизнинг ҳарбий қудрати барпо этилди. Ҳозир биз бошқа давлатлар билан биргаликда шу қудратни қатъият билан қисқартириш, уни мудофаа учун етарлилик доктринасига мувофиқ ҳолга келтириш йўлидан боряпмиз. Аммо СССР дунёдаги иккита энг катта ядродор давлатнинг бири бўлиб қолмоқда. Шу даҳшатли куч ишончли назорат остида бўлиши учун ўз халқимиз олдида ҳам, бутун дунё олдида ҳам зиммамизга масъулият тушади. Очиғини айтганда, шу пайтга қадар одамларнинг ақлидрокида иттифоққа нисбатан салбий назар давом этмоқда. Давлат тузилишининг қаттиққўл марказлаштирилган модели билан боғлиқ кўпгина салбий ҳодисалар ёдимизда. Улар ҳали хотирадан унчалик ўчгани йўқ. Аммо энди гап янги иттифоқ ҳақида бормоқда, унда иқтисодий ва сиёсий тузилиш негизларининг ўзи, ижтимоий соҳани кўзловчи бозор иқтисодиёти, сиёсий ва ғоявий фикрларнинг хилма-хиллиги, кўп партиялилик ҳар бир миллат ва ҳар бир фуқаро эркин камол топишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Шу йилнинг 17 мартида ўтказилган референдумда умуман мамлакат ва ҳар бир республика аҳолисининг мутлақ кўпчилиги айни мана шундай иттифоқ бўлишини ёқлаб овоз берди.

Янги иттифоқни қуришга киришилди. Шу жиҳатдан олганда иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши катта аҳамиятга эгадир. Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси устидаги иш яна бошланди. СССР Президенти билан тўққиз республика раҳбарларининг қўшма баёнотига, СССР халқ депутатлари V съезднинг қарорига мувофиқ Москвада 21 октябрь куни янги таркибдаги мамлакат Олий Кенгашининг сессияси очилди.

Муҳтарам халқ вакиллари, биз сизларга мурожаат этиб, Украина вакиллари мана шу коллектив ишда фаол қатнашадилар, деган умидни изҳор этяпмиз. Украина — Иттифоқнинг энг катта республикаларидан бири. Мамлакатимизни ривожлантиришда, халқларимиз ҳақли равишда фахрлана оладиган барча ишларда Украинанинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Украина халқларнинг буюк қўбизчи орзу қилган янги, ягона оиласини барпо этишга ҳам мана шундай муносиб ҳисса қўшишига ишонгимиз келади.

Тўғрисини айтамиз: биз Иттифоқни Украинасиз тасаввур этолмаймиз. Украинанинг кўп миллатли халқи ҳам ўз келажагини мамлакатимиздаги барча халқлар билан иттифоқчилик алоқаларисиз тасаввур этмаслигига аминмиз, зеро у мамлакатимиз барча халқлари билан кўп асрлик тарих давомида бирга яшаб келган.

Муҳтарам депутатлар, республика Олий Кенгашининг муваффақиятли ишлашини тилаб билдирган истакларимизни қабул этгайсизлар.

Биз қардош Украина халқига энг эзгу ҳис-туйғулар ва тилаклар йўллаймиз.

М. ГОРБАЧЕВ
Б. ЕЛЬЦИН
С. ШУШКЕВИЧ
Н. НАЗАРБОЕВ
И. КАРИМОВ
А. МУТАЛИБОВ
А. АКАЕВ
С. НИЁЗОВ
А. ИСКАНДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ҚУРУЛТОЙИ

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўнинчи қурултойи бўлиб ўтди. Қизғин баҳс ва мунозаралар қурултойнинг ўзига хос белгиси бўлди. Иккинчи масала — ижодий уюшма раҳбар органларини сайлаш жуда ўткир тусда ўтди ва натижасиз бўлиб чиқди. Шунинг учун бу масалани кейинроқ кўриб чиқишга қарор қилинди. Қурултойнинг иккинчи босқичини чақиришни келиштириш комиссияси хабар қилади, у вужудга келган вазиятда мурроса йўлини топиши ва ушбу масалани муҳокама қилиш вақтини белгилаши керак.

СССР Ёзувчилари қурултойига делегатлар сайлаш билан боғлиқ масала ҳам очиқ қолди. Бу масала ҳам қурултойнинг иккинчи босқичига ўтказилди. Шу билан бирга анжуман делегатлари мамлакат Ёзувчилар уюшмаси билан мустаҳкам алоқада бўлишни, бошқа республикалардаги қаламкаш биродарлар билан ҳамкорликда иш кўришни ёқладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов қилган ҳисобот маърузасини муҳокама қилиш ғоят қизғин тусда ўтди. Съездлар орасида ўтган беш йил жўшқин воқеаларга — қайта қуриш муносабатлари, демократия, ошкоралик вужудга келиши ва ривожланиши билан бир вақтга тўғри келганлиги таъкидланди. Шу билан бирга бу даврни мураккаб зиддиятлар четлаб ўтмади, ижодий уюшма фаолиятига бу ҳам ўз таъсирини ўтказди. Айни вақтда уюшма ўз ишида ёзувчилар кучини жипслаштиришга, ижодий жараённи такомиллаштиришга интилди. Шу масала юзасидан музокараларда қарийб 50 нафар нотиқ сўзга чиқди.

Қурултой қатнашчилари хорижда ишаётган ватандош адиблар билан алоқаларни фаоллаштиришни таклиф этдилар. Зотан ёзувчи Нурали Қобулнинг германиялик танқидчи социолог, ўнта китоб муаллифи Боймирза Ҳайитни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилиш ҳақидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Қурултой ижодий уюшма тузилишини кўриб чиқди. Бундан кейин Бошқарув ўрнига Кенгаш, Котибият ўрнига ҳайъат фаолият кўрсатади. Уюшмага авалгидек биринчи котиб эмас, раис бошчилик қилади.

Қурултойнинг иккинчи кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров раислик қилдилар.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида

Адабиёт, санъат ва меъморчилик намояндаларининг ижодий фаолликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, бозорга ўтиш шароитларида уларнинг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон ижодкорлари жамғармаси тузилсин.

2. Қуйидагилар жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари деб ҳисоблансин:

— Республика ижодий уюшмаларининг моддий-техникавий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш;

— Ижод намояндаларига, уларнинг оилаларига маънавий, моддий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш;

— Ижод, дам олиш уйлари, уй-жой, дала ҳовлилари қуришда ва бошқа қурилиш турларида молиявий ёрдам кўрсатиш;

— Ижодкор ходимларнинг пенсия таъминотини яхшилаш;

3. Жамғарманинг моддий-техникавий негизини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг резервидан 3 миллион сўм ажратилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни рўёбга чиқаришни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун қарор тайёрласин ва қабул қилсин, унда:

— Ўзбекистон ижодкорлари жамғармаси тўғрисидаги Низом лойиҳасини тайёрлаш;

— Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасининг таъсис конференциясини ўтказиш, унда жамғарманинг кенгаши ва бошқарувини сайлаш, уставини қабул қилиш назарда тутилсин.

5. Республиканинг хўжалик органлари, корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларидан Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасига моддий-техника ресурсларини ажратишда ҳамда ўз даромадларидан мумкин бўлган маблағларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш сўралсин.

Жамғарма ва унинг таъсисчилари билан корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар ва ташкилотларнинг маъмуриятлари ўртасида ижодий ҳамкорлик ҳамда уларнинг меҳнат жамоаларини маданий хизмат билан таъминлаш тўғрисида шартномалар тузишни амалиётга янада кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 22 октябрь.

● ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҲАФТАЛИГИ

ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИКДА ЯШАШНИ ИСТАЙДИЛАР

Ўзбекистонда 21 октябрь куни халқаро «Қуролсизланиш учун ҳаракат ҳафталиги» бошланди. Бу ҳафталик Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташаббуси билан октябрь ойининг охирида жаҳоннинг кўпгина давлатларида ўтказилади.

Бу воқеа арафасида Ўзбекистон тинчликни ҳимоя қилиш комитети АҚШ Президенти Жорж Бушга ва мамлакатимиз Президенти Михаил Горбачевга телеграммалар юборди. Бу телеграммаларда иккита энг йирик ядро мамлакати раҳбарларига қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро қуроли ишлаб чиқаришни чеклаш ҳақида мурожаат битилган. «Ер юзидаги барча кишилар қатори Совет ва Америка халқларининг ҳозирги ва келгуси авлодларни ядро қуроли билан ўзини ўзи йўқ қилиш даҳшатидан ҳалос этиш учун кўп йиллардан буён дилига туккан орзу-умидлари, дейилади телеграммада, —ниҳоят амалга оша бошлади ва бугунги кунда ортиб бораётган умидворликнинг манбаи бўлиб хизмат қилмоқда». Ўзбекистон Республикасидаги «Ҳафталик» режаси хилма-хилдир. Бу режалар орасида халқларнинг тинчлик учун олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли ва бадиий фильмлар туркумларини намойиш этиш, китоб-расм кўргазмаларини, тинчлик музейларида янги экспозицияларни очиш, байналмилал дўстлик клубларида учрашувлар ўтказиш, Улуғ Ватан уруши ва афғон уруши фахрийлари учун меҳр-мурувват тадбирлари ташкил этиш бор.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
ЎзТАГ мухбири.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, 22 октябрь. ТАСС мухбирлари Кремлдан хабар қиладилар:

Бугун Кремлда СССР Олий Кенгашининг палаталаридан бири — Иттифоқ кенгашининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Депутатлар Республикалар кенгаши билан Иттифоқ кенгашининг қўшма қарорлар набул қилиш соҳасидаги муваққат иш тартибини муҳокама қилмоқдалар. Иттифоқ кенгашининг аъзолари бу ҳужжатни кеча муҳокама қилиб, бироз мунозарадан сўнг уни маъқуллаган эдилар. Муваққат иш тартибида иккала палата томонидан қўшма қарорлар қабул қилиш қоидаси белгиланган.

ТАХИАТОШ ГРЭСИДА ЁНҒИН

Қорақалпоғистондаги Тахиатош ГРЭСида чиққан кучли ёнғин 200 минг киловатт қувватли 7-блокни ишдан чиқарди.

Еттинчи энергоблок яқинидаги мойнинг ёниб кетиши ёнғинга сабаб бўлди. Аланга машина зали шипига ўтди. Натижада бир неча устун қулаб тушди, машинаускуналар том бўлаклари остида қолди. Еттинчи энергоблок билан бир вақтда 8-блок ҳам вақтинча тўхтатилди. Бу блокка зарар етгани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, монтажчилар, электрчилар, лойиҳачилар бригадалари ёнғин чиққан жойга жўнаб кетди. Машина залини тозалаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Мутахассисларнинг хулосаларига кўра асосий энергия ускуналари — турбогенератор, турбина ва қозонга шикаст етмаган. Кабеллар куйиб кетган.

Ёнғин сабабларини аниқлаш учун Тахиатош ГРЭСида давлат комиссияси ишламоқда.

Монтаж ва махсус қурилиш ишлари вазирлигининг, Ўзбекистондаги бошқа вазирликлар ва идораларнинг бригадалари тиклаш ишларига жалб этилди. Бу ишлар кечаю-кундуз давом эттирилмоқда.

ШИЖОАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ПАХТАКОРЛАР!

Боғот районидаги Димитров номли жамоа хўжалиги аъзолари пахта йиғим-теримини тобора қизитмоқдалар. Айниқса, 8-бригада аъзолари теримда пешқадамлик қилишаётир. Суратларда: 1. Хўжалик бошқаруви раиси Комилжон Абдуллаев ва халқ назорати қўмитаси раиси Йўлдош Қурбонбоев. 2. Пахта қуритувчи Қодирберди Қўшназаров. 3. Терилган пахталарни қуритиш пайти.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

ХУШХАБАРЛАР

● ЖАРҚЎРҒОН РАЙОНИ

Район пахтакорлари давлатга пахта топшириш режасини ошириб бажардилар. Ҳар гектар майдондан 30 центнердан хирмон кўтарилди. Териб олинган 40 минг тонна пахтанинг 22 минг тоннаси машиналар бункеридан тўкилди. Қимматли хом ашёнинг 86 фоизи юқори навларга топширилди. Район пахтакорлари режага қўшимча беш минг тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олиш мажбуриятини қабул қилдилар.

● КИРОВ РАЙОНИ

Ўз анъаналарига содиқ район пахтакорлари 12264 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани адо этдилар. Бу муваффақиятга айниқса «Москва», «Искра» жамоа хўжаликлари ва Киров номли давлат хўжалиги муносиб ҳисса қўшди. «Бешариқ» ва «СССР 60 йиллиги» давлат хўжаликлари ҳиссаси ҳам арзигулик бўлди.

● БОЁВУТ РАЙОНИ

Давлат қабул пунктларига 46 минг 500 тонна ўрнига 46 минг 800 тонна пахта етказиб берган район пахтакорлари чўл шароитида ҳосилдорликни 27,3 центнерга етказдилар. Баҳордаги табиий офатлар — сел, ёғингарчиликлар натижасида 12 минг гектардан зиёд майдондаги ниҳоллар жиддий зарар кўрган эди. Мардонавор меҳнат шарофати билан айниқса «1-Май» «Ғалаба» давлат хўжаликлари, Носир Маҳмудов номли, Ленин номли, Навоий номли, «Ленинизм», «Коммунизм» жамоа хўжаликлари деҳқонлари режа ва мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Пушкин номли, «Боёвут», У. Юсупов номли давлат хўжаликлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

Элликқалъа районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» давлат хўжалиги техникуми пахтакорлари йиллик режани Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб адо этдилар. Давлат қабул пунктларига 2200 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди.

Йиғиб-териб олинган ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинди. Н. Нуримов, Б. Очилов, С. Эркаев, Ш. Нуримбетов бошлиқ бригадаларда 26—33 центнердан ҳосил кўтарилди.

Давлат хўжалигидаги ўнлаб механизаторлар мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 180—250 тоннадан пахта тўкишга аҳд қилишган. Ж. Йўлдошева, У. Ҳамроев, М. Оқназаров каби механизаторларнинг ҳар бири терган пахталари 195—200 тоннадан ошди. Хўжаликда терим давом этаётир.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

БУХОРО	0,76	108,16	0,57	83,56
ФАРҒОНА	0,51	103,09	0,40	94,60
ҚАШҚАДАРЁ	0,99	102,52	0,87	111,17
Жиззах	1,04	98,08	1,21	119,79
Наманган	1,60	97,31	1,26	103,47
Сирдарё	0,90	97,11	0,76	108,28
Сурхондарё	1,41	96,68	0,91	103,26
Андижон	1,34	93,35	1,33	100,91
Тошкент	1,34	90,73	1,22	99,52
Самарқанд	1,77	88,06	1,79	94,94
Хоразм	1,06	71,65	0,76	41,97
Қорақалпоғистон республикаси	1,12	69,76	0,89	67,61
Республика бўйича	1,13	94,12	1,00	96,99
Шу жумладан, нигичка толали пахта				
Сурхондарё	1,62	97,33		
Қашқадарё	1,27	94,87		
Бухоро	3,24	91,21		
Наманган	0,85	79,90		
Андижон	0,61	32,91		
Республика бўйича	1,58	95,66		

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

● ПАХТАКОР РАЙОНИ. Район пахтакорлари 41 минг тонна пахта сотиб, йиллик режани уддаладилар. Ҳосилнинг 98,5 фоизи машиналарда териб олинди. Меҳнаткашлар яна 4 минг тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиш иштиёқида йиғим-терим суръатини туширимаяптилар.

Районнинг бу хирмонига Кичанов номли, «Самарқанд» давлат хўжаликлари муносиб улуш қўшдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

●

Қуйи Чирчиқ райони пахтакорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Давлат қабул пунктлари улардан жами 40 минг 650 тоннадан зиёд хом ашё қабул қилиб олди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга ўтказилди. 35 минг тоннадан ортиқ пахта машиналар улушига тўғри келди. Теримда қатнашган 383 та машинанинг ҳар бири билан ўртача 110 тоннадан пахта терилди.

Давлатга пахта топшириш давом этмоқда.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳозирги ва собиқ субъектлари бўлмиш мустақил давлатлар ўзларининг эндиги мақомидан қатъий назар;

ўз халқларининг давлатларнинг олий қонун чиқарувчи органлари қабул этган ҳужжатларда мустаҳкамланган сиёсий ва иқтисодий суверенитетга, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган хоҳиш-иродасини ифодалаб;

давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатлар ўрнатиш истаги билан;

туб иқтисодий ўзгартишларга интилиб ва тангликдан чиқиб олиш, бозор иқтисодиётига ўтиш вазифалари билан ҳамда жаҳон хўжалигига қўшилиш муносабати билан давлатлар олдида турган муаммолар муштараклигини эътиборга олиб;

иқтисодий бирлашувнинг, умумий иқтисодий маконнинг манфаатли эканини ҳамда хўжалик, савдо-сотиқ, фан-техника муносабатлари ва бошқа муносабатлар мақсадга мувофиқ эканини англаб;

иқтисодий ҳамжамият тўғрисида қуйидаги шартномани тузадилар.

I. БОБ. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Иқтисодий ҳамжамият мустақил давлатлар томонидан тангликни бартараф этишнинг зарур шарти сифатида бирлашган бозорни ҳосил қилиш ва келишилган иқтисодий сиёсат ўтказиш мақсадида ўзининг барча аъзолари иштирок этиши ихтиёрийлиги ва ҳуқуқлари тенглиги асосида тузилади.

2-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзолик мустақил давлатнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларнинг тўла ҳажмини қабул этишини ва барча ҳуқуқларга эга бўлишини тақозо қилади.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ушбу шартноманинг бажарилиши учун ўзаро иқтисодий масъулиятга асосланадилар ва мазкур шартноманинг умуман ёки айрим қоидалари ижро этилишини хавф остида қолдирадиган ҳар қандай қадамлардан тийиладилар.

3-модда. ССР Иттифоқидан чиққан ва иқтисодий ҳамжамиятга қўшилмаган давлатларнинг иқтисодий ҳамжамият билан ўзаро муносабатлари халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф қилган қоидалари ва меъёрлари асосига қурилади. Иқтисодий ҳамжамият учун умумий манфаатга эга бўлган ва ҳал этилиши талаб қилинадиган масалалар иқтисодий ҳамжамият билан тегишли давлат ўртасидаги махсус битим орқали ҳал этилади, бу битим мазкур шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб кўпи билан уч ой мобайнида тузилади.

4-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлат ундан чиқишга ҳақлидир. У ўзининг бу ниятидан иқтисодий ҳамжамиятнинг қолган аъзоларини камида 12 ой барвақт хабардор қилишга мажбур. Иқтисодий ҳамжамиятдан чиқиш учун ундаги аъзолик билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятлар юзасидан махсус битимга мувофиқ муносабатларни бартараф этиш шарт.

5-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳўжалик қонунларини бир-бирига яқинлаштириш ҳақида, шунингдек қуйидаги соҳаларда келишилган сиёсат ўтказиш тўғрисида бир битимга келадилар:

Ишбилармонлик;

моллар ва хизматлар бозори;

транспорт, энергетика, ахборот;

пул ва банк тизими;

молия, солиқ ва нархлар, сармоя ва қимматли қоғозлар бозори;

меҳнат бозори;

божхона қоидалари ва тариф;

ташқи иқтисодий муносабат ва валюта сиёсати;

иқтисодий ҳамжамият учун умумий манфаатли бўлган давлат фан-техника, сармоя, экология, инсонпарварлик дастурлари ва бошқа дастурлар (шу жумладан, табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатиш дастури);

стандартлаш, патентчилик, метрология, статистика ва бухгалтерия ҳисоби.

6-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ўзлари муштарак деб тан олган мол-мулкни тақсимлаш юзасидан келишмай бир томонлама ҳаракат қилинишига йўл қўймаслик ҳақида ўзаро мажбурият оладилар.

Мазкур муштарак молмулкнинг таркиби махсус битим билан белгиланади.

7-модда. Тангликдан қутилиш юзасидан келишилган иқтисодий сиёсат ва умумий чора-тадбирларни амалга ошириш учун иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар томонидан ҳамжамиятнинг муассасалари тузилиб, уларга тегишли ваколатлар берилади.

8-модда. Ушбу шартнома 3 йил муддатга тузилади. Мазкур муддат тугашидан 12 ойдан кечикмай иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар мазкур шартномани узайтириш, ўзгартириш ёки янгисини тузиш тўғрисидаги масалани ҳал қиладилар.

II. БОБ. ИШБИЛАРМОНЛИК

9-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар хусусий мулкчилик, эркин ишбилармонлик ва рақобат иқтисодиётни юксалтиришнинг асоси эканини эътироф этадилар. Улар ишбилармонлик фаоллигига кўмаклашадиган шароитларни яратиб берадилар ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг аралашувини қонун билан чеклаб қўядилар.

10-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ўз ҳудудида ўз давлатининг ҳам, шунингдек иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа барча давлатларнинг одамлари ва ҳуқуқий шахслари ҳам хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бир хил ҳуқуқий тартибини таъминлаш мажбуриятини оладилар. Ҳуқуқий тартиб шартлари икки томонлама ва кўп томонлама битимлар асосида аниқ белгилаб қўйилиши мумкин.

11-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар монополияга қарши келишилган сиёсат ўтказиш ва ўзларининг бирлашган бозори доирасида рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш мажбуриятини оладилар.

Ўтиш даврида иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар монополиячи ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти учун нархларни тартибга солиш соҳасида мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

III. БОБ. МОЛЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ СИЛЖИШИ, НАРХ-НАВО

12-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга кирувчилар давлатлар ҳудудида моллар ва хизматларнинг силжиши бемалол, бўжсиз асосда амалга оширилади.

Учинчи давлатлардан келтириладиган моллар учун иқтисодий ҳамжамиятнинг ягона ташқи бож тарифи ставкаларига мувофиқ бож солиниши лозим.

13-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар бирлашган бозорни шакллантиришга интилиб, моллар ва хизматларнинг силжишини чеклашга йўл қўйиб бўлмайди деб ҳисоблайдилар, келишиб олинган давр мобайнида шундай чеклашларни тугатиш мажбуриятини оладилар.

14-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар эркин нарх белгиланишга ўтиш соҳасида келишилган сиёсатни амалга оширадилар. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар маҳсулотларнинг биргаликда белгиланган рўйхатига мувофиқ келишилган нархларни қўлланадилар.

IV. БОБ. ПУЛ ВА БАНК ТИЗИМИ

15-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар тангликдан қутилиш ва пулнинг қадрсизланишини назорат қилиш учун пул ва кредит сиёсати соҳасида келишиб ҳаракат қилиш устун аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблайдилар.

16-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ягона пул тизимининг умумий валютаси сифатида сўмни сақлаб қолиш зарурлигини англайдилар ва уни мустаҳкамлаш учун куч-ғайрат сарфлашга розидирлар.

қтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятнинг пул тизими учун зарар етказилиши эҳтимолини истисно қиладиган шартларни бажариб, миллий валюталар жорий этишларига йўл қўйилади. Мазкур шартлар шу давлат билан иқтисодий ҳамжамият ўртасидаги махсус битим орқали белгиланади.

17-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар нархларнинг кўтарилишини тийиб туришни ва сўмнинг қадрини пасайтирмасликни таъминлайдиган самарали пул ва кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда ўтказиш учун заҳира тизими қоидалари асосида иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг марказий (миллий давлат) банкларини ўз ичига оладиган банк иттифоқини таъсис этадилар ва банк иттифоқи ҳузурида пул чиқарадиган давлатлараро банкни тузадилар.

18-модда. Банк иттифоқининг ҳуқуқий мақоми ва унинг бошқарув идораларини тузиш тартиби махсус битимда белгиланади.

Банк иттифоқининг фаолияти унинг иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар қонун чиқарувчи ҳокимияти олий органлари томонидан тасдиқланган низоми билан тартибга солинади.

Банк иттифоқининг низоми қабул қилингунга қадар банк тизимининг фаолиятини СССР давлат банки билан ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг марказий (миллий давлат) банклари мутахассислардан тузадиган муваққат бошқарув идора қилиб туради.

19-модда. Банк иттифоқининг зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

Пул-кредит сиёсатини ўтказишга ягона ёндашувларни аниқлаш ҳамда банк иттифоқига аъзо бўлган марказий (миллий давлат) банкларининг операциялари бўйича миқдор кўрсаткичлари (лимитлар)ни белгилаб қўйиш;

банк иттифоқига аъзо бўлган марказий (миллий давлат) банклари томонидан тижорат банкларига бериладиган қарзлар эвазига олинадиган фойда миқдорини белгилаш;

тижорат банкларининг заҳираларига оид талабларни белгилаш;

банклар ўртасидаги ҳисобкитобларни уюштириш;

сўмнинг бошқа валюталарга нисбатан қийматини тартибга солиб туриш;

иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар томонидан банк иттифоқига бериладиган олтин заҳираси ва валюта заҳираси қисмини тасарруф этиш;

нақд пул муомаласини, шу жумладан банкнотлар ва тангалар сотилишини ташкил этиш;

тижорат банклари фаолиятининг умумий қоидаларини тартибга солиб туриш.

1992 йил учун банк иттифоқи иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар марказий (миллий давлат) банкларининг бюджет тизимларига кредит беришдаги иштироки лимитлари белгилаб қўйилади.

Банк иттифоқини бошқариш идораларининг кўрсатмалари банк иттифоқига аъзо бўлган барча банклар учун мажбурийдир.

20-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар банк иттифоқи тузиш чоғида собиқ СССР Давлат банк тизимининг дастлабки, заҳира жамғармалари ва бошқа жамғармаларининг тегишли қисмини, унинг акционерлик капиталидаги ва чекланган масъулиятли жамиятлардаги ўлушини, депозитларини, шунингдек олтин заҳираси, олмос ва валюта жамғармаларини ўз мулки қилиб ва иқтисодий ҳамжамиятга кирмаган давлатларнинг мулкига топшириш тартибини махсус битимда белгилаб олиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

21-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар тенг вакиллик шароитида олий банк назоратини вужудга келтириб, унинг зиммасига қуйидаги вазифаларни юклайдилар:

банк иттифоқининг ва давлатлараро пул чиқариш банкининг низомларига риоя этилишини назорат қилиш;

иқтисодий ҳамжамият аъзоларининг ўз манфаатлари камситилганлиги тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқиш;

банк иттифоқининг ўз низомига зид бўлган қарорларини бекор этиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш.

Банк иттифоқи билан давлатлараро пул чиқариш банки олий банк назоратининг талабига биноан барча зарур ҳужжатлар ва материалларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Олий банк назоратининг ўз ваколатлари доирасида қабул этилган қарорлари банк иттифоқи ва давлатлараро пул чиқариш банки томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

V. БОБ. МОЛИЯ ВА СОЛИҚЛАР

22-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар мувофиқлаштирилган бюджет ва солиқ сиёсатини ўтказадилар, бунда қуйидагилар назарда тутилади:

Бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳисобга олиб, келишилган давлат бюджетларининг камомадларини баҳамжиҳат чеклаш ва иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг ички қарзи кўпайиши чегарасини белгилаб қўйиш. Давлат ўз қимматли қоғозларини сотиши имкониятлари тугаган тақдирда ва иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган бир ёки бир неча давлат белгиланган чегарадан ошиб кетган тақдирда мазкур ошиб кетган пул миқдори келишилган қоидаларга биноан унинг қолган аъзолари олдидаги қарз мажбуриятлари сифатида расмийлаштирилади;

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа давлатларнинг манфаатларига дахлдор бўлган солиқ солиш сиёсати қоидаларини ва солиқлар соҳасида келишилган сиёсатни бир хил қилиш.

23-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар СССРнинг иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар билан унга кирмаган давлатлар ўртасида келишиб олинган вақтгача бўлган давлат ички қарзини тақсимлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан қайта расмийлаштириш тўғрисида ва келгусида уни тўлаш тартиби ҳақида шартнома тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Қарзнинг бир қисми иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг умумий масъулиятига ўтказилиши мумкин. Айни вақтда марказлаштирилган кредит ресурсларини давлатларнинг банклари ўртасида тақсимлаш тўғрисида битим тузилади. Давлатнинг ички қарзи давлатлар бюджетларининг 1991 йил 1 январгача бўлган ҳолатдаги қишлоқ хўжалик маҳсулоти нархларидаги тафовутлар бўйича банклардан қарздорлигини ҳисобга олиб белгиланади.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ССР Иттифоқи номидан СССР Жамғарма банкидаги омонатларнинг эгаларига берилган мажбуриятларнинг, СССР Давлат қимматли қоғозларининг, СССР жамғарма банки сертификатларининг, СССР Давлат суғурта бошқармасининг суғурта ҳужжатлари (мажбуриятлари)нинг давомийлигини тасдиқлайдилар.

24-модда. Биргаликдаги харажатларни, шу жумладан иқтисодий ҳамжамият муассасаларини сақлаш ҳаражатларини пул билан таъминлаш учун иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамият бюджетини тузадилар.

Иқтисодий ҳамжамият бюджети доирасида:

СССР давлат ички қарзининг иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг умумий жавобгарлигига ўтказилган қисмини тўлашга сарфланадиган;

СССР давлат ички қарзини ва иқтисодий ҳамжамиятнинг ташқи қарзларини (сўм билан тўланадиган қисмини) тўлашга сарфланадиган;

фавқулодда вазиятлар билан, Чернобиль, Орол, Спитак зилзиласи ва шу каби катта табиий офатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тугатишга сарфланадиган;

тармоқ дастурларини амалга оширишга сарфланадиган;

молиявий заҳира махсус жамғармалари тузилади.

Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджети ўз аъзоларининг қайд этилган миқдор тарзида белгиланадиган бадаллари ҳисобига тузилади. Қайд этилган бадалларни шакллантириш миқдори ва тартиби иқтисодий ҳамжамият аъзоларининг махсус битими билан белгиланади. Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджети камомадли бўлиши мумкин эмас.

Давлатлараро иқтисодий комитет бюджетнинг ижроси тўғрисида иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматларининг бошлиқларига ҳар кварталда маълумот бериб туради.

25-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар тармоқ дастурларини пул билан таъминлаш учун бюджетдан ташқари жамғармаларни вужудга келтиришлари мумкин. Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджетдан ташқари жамғармалари камомадли бўлиши мумкин эмас.

26-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар айрим минтақаларни ривожлантиришга кўмаклашадиган ва уларнинг аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган тармоқ дастурларини амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда улар ўз ҳудудида ҳосил қилинган миллий даромаднинг (ялпи миллий маҳсулотнинг) жорий нархларда келишиб олинган улушидан ажратиш ҳисобига тегишли жамғармани вужудга келтирадилар. Мазкур жамғарманинг фаолияти махсус битим ва низом билан тартибга солинади.

27-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамият доирасида пул маблағлари ва бошқа молиявий ресурсларнинг силжишини, қимматли қоғозлар чиқариш ва уларнинг муомаласини тартибга солиш — сармояларнинг эркин ҳаракатини истисно қилмайдиган махсус битимга мувофиқ амалга оширилади, деб биргалашиб аҳдлашиб оладилар.

VI. БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР

28-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ишчи кучининг иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳудудидаги ҳаракат эркинлиги қоидасини рўёбга чиқаришга интиладилар ва бунинг учун шароит яратадилар, шу жумладан уй-жой бозорини шакллантирадилар.

29-модда. Давлатлар иш жойи бериш, меҳнат ҳақи, бошқа иш шароитларини таъминлаш, шунингдек ижтимоий кафолатлар бериш масалаларида фуқаролар миллатига ёки бошқа белгиларига қараб камситилишига йўл қўймайдилар.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳудудидаги ҳаракат эркинлиги қоидасини рўёбга чиқаришга интиладилар ва бунинг учун шароит яратадилар, шу жумладан уй-жой бозорини шакллантирадилар.

29-модда. Давлатлар иш жойи бериш, меҳнат ҳақи, бошқа иш шароитларини таъминлаш, шунингдек ижтимоий кафолатлар бериш масалаларида фуқаролар миллатига ёки бошқа белгиларига қараб камситилишига йўл қўймайдилар.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа давлатларда ходимлар олган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумот ва малака даражасини ўзаро тан оладилар, агар ҳамма учун шарт қўйиш мажбурий бўлмаса, ишга ёки ўқишга қабул қилишда мазкур маълумот ва малакани қўшимча равишда тасдиқлашни талаб қилмайдилар.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ўз фуқароларининг мазкур ҳамжамият ҳудуди доирасида рухсатномасиз юриш тартибига розидирлар.

30-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятга кирувчи давлатлар фуқароларининг кўчиб юриш жараёнларини тартибга солиш юзасидан махсус битимлар тузадилар ҳамда ижтимоий суғурта, пенсия таъминотига доир ўзаро мажбуриятлар оладилар.

VII. БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ВАЛЮТА СИЁСАТИ

31-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта сиёсатини мувофиқлаштириб туриш ҳақида келишиб оладилар.

32-модда. ССР Иттифоқининг барча ташқи иқтисодий мажбуриятлари, шунингдек бошқа мамлакатларнинг ССР Иттифоқи олдидаги мажбуриятлари ҳуқуқий вориси бўлмиш иқтисодий ҳамжамият шу мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлайди. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлардан ҳар бири унга кирар экан, мазкур мажбуриятларни биргаликда бажаришда ўзининг иштирок этишини тасдиқлайди.

Иқтисодий ҳамжамият аъзолари ССР Ташқи иқтисодий банкининг ҳуқуқий вориси бўлган банкни вужудга келтирадилар ва ташқи иқтисодий қарзни узиш билан ҳамда иқтисодий ҳамжамият томонидан бошқа мамлакатлардан қарз олиш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни шу банк орқали амалга оширадилар.

Иқтисодий ҳамжамият ССР Иттифоқининг иқтисодий ҳамжамиятга кирмаган ҳар бир субъекти билан ташқи қарзлар хусусидаги барча муносабатларни тартибга солишни ўз зиммасига олади.

Иқтисодий ҳамжамият аъзолари аввалги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳар бир субъектининг ССР Иттифоқи ташқи қарзи тўловлари умумий миқдоридаги ва бошқа мамлакатларнинг ССР Иттифоқига қарзлари миқдоридаги келишиб олинган санагача бўлган улушини белгилаш тўғрисида махсус битим тузиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Мазкур улушлардан шартномага қўшилишни хоҳламаган ёки иқтисодий ҳамжамиятдан чиқадиган давлатлар билан қарзларни узиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади. Мазкур давлатлар ўзларига тўғри келадиган қарз миқдорини тўла узгунга қадар иқтисодий ҳамжамият билан ҳисоб-китоб қиладилар.

Башарти, шартномага қўшилишни хоҳламаган, иқтисодий ҳамжамиятдан чиқадиган ёки унда турган давлат умумий қарзнинг ўзига тўғри келадиган қисмини қайта расмийлаштириш ҳақида барча қарз берувчилар билан бир битимга эришса, қарзнинг мазкур қисмини шу давлат мустақил узишига йўл қўйилади.

33-модда. Иқтисодий ҳамжамият янги ташқи қарзларни иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган барча давлатлар келишилган қарори асосида олади.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлат мустақил равишда ташқи қарзлар олиш ҳуқуқига эга бўлади ва мазкур қарзларга хизмат қилиш ва уларни узиш соҳасида шундан келиб чиқадиган мажбуриятларни бўйнига олади.

Худди шу тартибда иқтисодий ҳамжамият ёки унга аъзо бўлган айрим давлатлар ажнабий давлатларга қарз ёки бошқа тарздаги иқтисодий ёрдам беради.

34-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган ва умумий пул бирлигидан фойдаланадиган давлатлар сўмнинг мамлакат ичкарисида бемалол алмаштириладиган бўлишига эришиш мазкур ҳамжамиятнинг яқин вақтдаги мақсадидир, деган фикрга қўшиладилар. Улар сўмнинг ички алмаштирилишига ўтишнинг келишилган дастури асосида зарур тайёргарлик чора-тадбирларини амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

35-модда. Сўмнинг ички алмаштириладиган бўлишига ўтгунга қадар иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ташқи қарзга доир мажбуриятларни бажариш учун валюта тушумларини бир жойга жамлашнинг ягона тартибини белгилаш зарур деб ҳисоблайдилар.

36-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил равишда тартибга соладилар, келишиб олинган нормалар доирасида ташқи иқтисодий операцияларнинг меъёрини белгилайдилар ва унга рухсатнома берадилар.

37-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятнинг ягона бож ҳудудини сақлаб қолиш тўғрисида келишиб оладилар ва учинчи мамлакатларга нисбатан келишилган бож сиёсатини ўтказадилар.

Божларни, экспорт ва импортга солинадиган солиқларни белгилаш ҳамда тегишли бюджетларга ундириб олиш тартиби билан боғлиқ масалалар махсус битим билан ҳал этилади.

38-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар Халқаро валюта жамғармасида, Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банкида, бош савдо ва тарифлар битимида ҳамда бошқа халқаро иқтисодий ташкилотларда умумий аъзолик ҳақида келишиб оладилар ва ССР Иттифоқи номидан берилган тегишли талабномалар қонуний ҳуқуқ эгалигини тасдиқлайдилар.

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар шу ташкилотларнинг якка аъзолари ҳам бўлишлари мумкин.

39-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ажнабий сармоялар соҳасида мустақил сиёсат ўтказадилар, зарур ҳолларда эса бу сиёсатни мувофиқлаштириб турадилар. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ўзларининг ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг техника, маслаҳат соҳасидаги ва бошқа турдаги ёрдамлари борасида ўз ҳаракатларини ҳам мувофиқлаштириб турадилар.

VIII. БОБ. ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

40-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларда мазкур давлатларнинг қонун ҳужжатлари устун бўлади. Шу давлатларнинг ҳудудида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи кишилар ва ҳуқуқий шахслар мазкур қонунларга амал қиладилар.

41-модда. Шартнома амал қиладиган даврда иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар иқтисодий ҳамжамиятнинг бутун маконида ишбилармонлик ва эркин савдо-сотиқ учун энг қулай, тенг шароитларни яратиш мақсадида хўжаликка оид ўз қонунларининг меъёрларини ўзаро яқинлаштиришга розидирлар. Улар ўз қонунларининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва иқтисодий ҳамжамият ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминлаш мажбуриятини оладилар.

42-модда. Башарти, ушбу шартнома, унга доир битимларда ёки иқтисодий ҳамжамият муассасалари ўз ваколати доирасида қабул этган меъёрий ҳужжатларда иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг қонунларида баён этилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда иқтисодий ҳамжамиятнинг шартномаси, битимлари ва меъёрий ҳужжатлари устун деб тан олинади.

43-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг қонунлари билан иқтисодий турмушнинг барча жиҳатларини тартибга солиш учун зарур бўлган даврда келишиб олинмаган масалалар юзасидан ССР Иттифоқи қонун ҳужжатларининг мазкур шартномага ва битимларга зид бўлмаган қисмидан келишиб олинган тартибда вақтинча фойдаланиб турилади.

IX. БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТ МУАССАСАЛАРИ

44-модда. Иқтисодий ҳамжамиятнинг муассасалари қуйидагилардан иборат бўлади:

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши;

давлатлараро иқтисодий комитет;

банк иттифоқи;

иқтисодий ҳамжамият ҳакамлиги.

Иқтисодий ҳамжамиятнинг муассасалари иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар вакиллари орасидаги мутахассислардан тузилади.

45-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши иқтисодий ҳамжамиятнинг олий мувофиқлаштирувчи органидир.

Хўжалик юритишнинг аниқ соҳалари бўйича ўзаро алоқа қилиш ва умумий сиёсатни ишлаб чиқиш масалаларини ҳал этиш учун иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар вазирларининг мунтазам кенгашлари ўтказиб турилади.

46-модда. Давлатлараро иқтисодий комитет иқтисодий ҳамжамиятнинг ижроия органидир. У ўз ваколати доирасида иқтисодий ҳамжамиятнинг ушбу шартномада ва битимларда, шунингдек иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг қарорларида белгилаб берилган вазифалар ҳал этилишини таъминлайди.

Давлатлараро иқтисодий комитет ҳар йили иқтисодий маълумотномани матбуотда эълон қилади.

47-модда. Давлатлараро иқтисодий комитетнинг ишига унинг раиси раҳбарлик қилади.

Давлатлараро иқтисодий комитетнинг раиси Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши томонидан тавсия этилади ҳамда белгилаб қўйилган кўпчилик овоз билан Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар бошлиқлари кенгаши томонидан шу лавозимга тайинланади ва ундан озод қилинади.

Давлатлараро иқтисодий комитет раиси комитетнинг низоми, тузилиши ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш учун ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашига тақдим этади.

48-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг бутун ҳудудида ушбу шартноманинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлаш мақсадида баҳсли масалаларни ҳал этиш ҳамда иқтисодий жазо чораларини қўлланиш учун иқтисодий ҳамжамият ҳакамлиги тузилади.

X. БОБ. БИТИМЛАР

49-модда. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ушбу шартнома ва унга доир битимлар асосида амалга оширилади.

50-модда. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кўпи билан уч ой мобайнида ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр учун қуйидаги масалалар юзасидан битимлар тузилади:

Иқтисодий ҳамжамият муассасаларининг мақоми ва ваколатлари тўғрисида;

Банк иттифоқини тузиш, шу жумладан унинг низоми тўғрисида;

иқтисодий ҳамжамиятнинг Ташқи иқтисодий банки ҳақида;

иқтисодий ҳамжамиятда мулкчилик ҳуқуқларини тартибга солиш тўғрисида;

иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунларини ўзаро яқинлаштириш ҳақида;

аҳолининг кўчиб юриш жараёнларини тартибга солиш тўғрисида;

минтақаларни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасини вужудга келтириш, шу жумладан унинг низоми ҳақида;

иқтисодий ҳамжамиятнинг тармоқ дастурларини пул билан таъминлаш учун бюджетдан ташқари жамғармаларни тузиш ҳамда шу жамғармалар низомлари тўғрисида;

иқтисодий ҳамжамиятдан чиқиш пайтида давлатларнинг ўзаро мажбуриятларини бартараф этиш ҳақида;

сармояларнинг ва қимматли қоғозларнинг силжиши тўғрисида;

иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлар бирлашган бозори доирасида монополияга қарши сиёсат ҳақида;

пенсия таъминоти ва ижтимоий суғурта соҳасидаги ўзаро мажбуриятлар тўғрисида;

фан-техника ҳамкорлиги ҳақида;

патент хизмати тўғрисида;

иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг миллий валюталарини жорий этиш тартиби ва шартлари ҳақида;

ССР Иттифоқи таркибига кирган ва иқтисодий ҳамжамиятга кирмаган давлатлар билан халқаро иқтисодий муносабатларнинг умумий қоидаларига ўтиш тартиби тўғрисида;

ССР Иттифоқининг давлат ички қарзини тақсимлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан қайта расмийлаштириш ҳамда келгусида унга доир мажбуриятларни бажариш тартиби ҳақида;

Иқтисодий ҳамжамиятнинг ташқи қарзига доир мажбуриятларни бажариш қоидалари ва воситаси ҳақида;

мулкий ва бошқа низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида.

51-модда. Қуйидаги масалалар юзасидан бир йил муддатга ёки келишиб олинган бошқа муддатга битимлар тузилади:

Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджети ҳақида;

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг манфаатларига даҳлдор бўлган солиқлар соҳасида келишиб олинган сиёсат тўғрисида;

бож сиёсати ва бож тарифи ҳақида;

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг келишилган бюджетлари камомадларининг энг юқори миқдори тўғрисида;

ўзаро (давлатлараро) шартномалар юзасидан ва умумий эҳтиёжлар учун етказиб бериладиган моллар нинг нархлари ва ҳажмлари ҳақида;

Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатларнинг ички қарзи кўпайиши чегарасини белгилаб қўйиш ҳамда қарз мажбуриятларини бартараф этиш тартиби тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар шароитида биргаликда ҳаракат қилиш ҳақида;

XI. БОБ. ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТГА ҚЎШИБ ОЛИНГАН АЪЗОЛИК

52-модда. Ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг фақат бир қисмини ўз зиммасига олаётган давлатга, иқтисодий ҳамжамият аъзоларининг розилиги билан, иқтисодий ҳамжамиятнинг қўшиб олинган аъзоси мақоми берилиши мумкин.

53-модда. Давлатларнинг қўшиб олинган аъзо ҳуқуқлари билан Иқтисодий ҳамжамиятга қўшилиш шартларини иқтисодий ҳамжамият аъзолари белгилайдилар.

54-модда. Иқтисодий ҳамжамият билан қўшиб олинган аъзо ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳар бир ҳолатда алоҳида махсус битим билан тартибга солинади, унда, жумладан, бож тартиби, давлатлараро мол етказиб бериш ва нархлар ҳақидаги, Иқтисодий ҳамжамиятнинг бюджетини ва бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантиришдаги иштироки тўғрисидаги

Иқтисодий тадбиркорликка даъват

МИРЗАЧЎЛ РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ АҲЛИ ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КЕЙИНГИ ФАРМОНЛАРИНИ АНА ШУНДАЙ БАҲОЛАМОҚДА. ШУ БОИС ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИ ҲАМ КЎТАРИНКИЛИК РУҲИДА ЎТЯПТИ.

Маълумки, мазкур Фармонда жамоа ва давлат хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта толаси ва пилла сотишнинг мавжуд тартибига қисман ўзгартириш киритилди. Яъни 1991 йил ва ундан кейинги йиллар учун белгиланган топшириқдаги маҳсулотнинг 5 фоизи ҳамда ортиқча етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисига ҳам, четга ҳам жамоалар томонидан ихтиёрий тарзда сотилиши белгилаб қўйилди. Бу эса меҳнат жамоаларининг, қишлоқ оилаларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, Иттифоқдаги ва хориждаги корхоналар билан мустақил алоқалар ўрнатиш имконини беради. «Ўзбекистон» давлат хўжалиги меҳнаткашлари билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ҳакимжон НОМОЗОВ, хўжалик директори:

— Эътироф этиш керакки, йиғим-терим мавсуми бошланиши арафасида ҳар бир килограмм пахта учун тўланадиган ҳақнинг оширилиши ҳамда тайёрланган маҳсулотнинг бир қисми ва режадагидан ортиқча маҳсулотнинг эса барчасини сотиш ихтиёри меҳнат жамоаларининг ўзига берилиши муҳим ҳаётий тадбир бўлди. Ҳаётийлиги шундаки, дастлабки даврдаёқ жамоамиз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, четдан умуман ёрдамчи олмасликка аҳд қилдилар. 9 кун мобайнида ҳар куни йиллик режанинг 5—6 фоизи миқдорида ҳосил тўплаганимиз аҳдимизга нечоғлик вафо қилганлигимизни кўрсатиб турибди. Ҳозиргача жами 20 миллион сўмлик пахта топширдик. Ана шунинг 5 фоизи — 400 минг сўмлик пахтани фақат ишчиларимиз манфаатини кўзлаб сотишимизга имконият туғилди. Бир неча кундирки, давлат топшириғидан ортиқча хирмон уймоқдамиз.

Зиёдулла ҚУТТИЕВ, звено бошлиғи:

— Ҳозирги ҳисоб-китоблар кичик жамоамизнинг энг кам ҳаражат билан энг кўп даромад қилажагини кўрсатиб турибди. Биринчи теримдаёқ 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Механизаторларнинг сифатли, самарали меҳнатлари туфайли «оқ олтин»ни нобудгарчиликка йўл қўймай териб оляпмиз. Ҳозиргача 200—250 тоннадан пахта теришга улгурган Ф. Юнусов, У. Бекмирзаев, С. Элтоев каби механизаторларнинг мавсумдаги иш ҳақлари 5—6 минг сўмданга етиб қолди. Йил якунида эса деярли яна шунчадан мукофот пули ҳамда енгил автомобиль сотиб олиш имкониятлари борлигини ҳисобга олсак, меҳнаткашга кўрсатилаётган бугунги ғамхўрлик салмоғини англаш қийин эмас. Яхшиси, бу ҳақда механизаторларнинг ўзлари гапиришсин.

Келдибек ОМОНҚУЛОВ, механизатор:

— Ўтган йил якуни бўйича хўжалигимиздан фақат бир киши — Убайдулла Бекмирзаевгина «Жигули» автомобили сотиб олишга муваффақ бўлганди. Ҳозир эса 150 тоннадан ошириб «оқ олтин» терган илғор ҳамкасбларимнинг сони 15 нафардан ошиб кетди. Дала меҳнаткашларига яратилган шарт-шароитлар, ғўзанинг машинабоп қилиб ўстирилганлиги ва ниҳоят, жумҳуриятимиз раҳбарларининг биз пахтакорларни иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли ҳам хўжалигимиз аҳли шундай салмоқли ютуққа эришмоқда. Жамоамиз тарихида биринчи бор машина терими режаси 120 фоиздан ошириб бажарилди. Энг муҳими давлат топшириғини кам меҳнат ва сарф-харажат эвазига қисқа муддатда бажардик. Рости, хўжалик юритиш ва иқтисод қилишга, иқтисодий тадбиркорликка энди ўрганяпмиз...

Ҳақиқатан ҳам, бу йил «Ўзбекистон» давлат хўжалиги пахтакорларининг юзлари ёруғ бўлди. Ўтган йилги муваффақиятсизликлардан эсанкираб қолмаган ишчи, хизматчилар сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт тайёрлаш режаларини ҳам муддатидан аввал бажардилар. Президент Фармонига биноан уларга 135 бош қорамол, 35 бош чўчқа, 350 бош майда мол, 1000 га яқин парранда, 57 тонна буғдой сотилдики, бу тадбирлар ҳар бир оиланинг турмуш тарзи бир қадар яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган ҳар бир ғамхўрлик уларнинг ўзлари ҳам таъкидлашаётганидек, иқтисод ва самарага, тадбиркорликка даъват этяпти.

Б. САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.





Косон районидаги 39-давлат хўжалиги пахтакорлари бу йил катта ютуқларга эришдилар. Улар техникадан фойдаланишда кўпчиликка ўрнак бўлишди. Айниқса, илғор механизатор Тиркаш Андаев ўз «пўлат от»и билан мўл пахта териб, мусобақада илғорлик қилди.

Ўнгдаги суратда илғор механик-ҳайдовчи Тиркаш Андаев.

Зарбдор меҳнатдан сўнг дам олиш қандай гаштли. 39-давлат хўжалиги ишчилари тушлик пайтида ана шундай гурунглашадилар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ҚАРДОШЛАР АНЪАНАСИ

ҚУВОНЧ...

● Бухоролик ва чоржўйлик мусиқачилар ўзига хос анъанага асос ослишди. Қадимий шаҳардаги Мухтор Ашрафий номли санъат билим юрти билан Чоржўй билим юрти ўқитувчи ва талабалари ўртасида ўзаро маданий алоқалар йўлга қўйилди.

Бир неча ой муқаддам бухоролик мусиқачилар вилоят санъат арбоблари билан биргаликда Чоржўйда бўлиб, меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишган эди. Яқинда қардош республиканинг ёш мусиқачилари Бухорога келишди. Билим юрти санъатсеварлар билан гавжумлашди. Концерт Бухоро ва Чоржўй мусиқачиларининг ўзига хос баҳсига айланди. Томошани Ш. Шарипов бошчилигидаги мақомчилар дастаси бошлаб берди. Туркманистонлик А. Қурбонов, А. Жулгаев, Т. Аннамуродова, О. Омонмуродов сингари санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Қардош республикадан ташриф буюрган мусиқачиларнинг Бухоро вилояти шаҳар-қишлоқларида бўлиб, дала меҳнаткашлари билан ўтказган учрашувлари ҳам ҳаяжонли бўлди.

— Бундай алоқаларга доимий тус бериш ниятимиз бор, — дейди вилоят ижроия қўмитаси маданият бошқармаси бошлиғи М. Фармонова.

Н. НАИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁРУҒ ЖАҲОННИ КЎРЯПМАН

Бекат йўловчилар билан гавжум. Ҳамма манзилга етишга ошиқади. Беихтиёр чорраҳани кесиб ўтаётган ўрта яшар аёлга кўзим тушди. У кўчанинг машиналар ҳаракати бўйлаб юра бошлади. Буни кузатиб турган бир йигит югуриб бориб, аёлни етаклаб бекатга олиб келди.

— Яхшиси, синглим, сиз касалхонага боринг, — деди нуроний аёл. Мен ҳам яқингинада кўзим ожизлигидан қийналардим. Сизга қўли дард кўрмагур дўхтирларнинг дарагини айтаман...

— Фойдаси бўлармикин, — маҳзун овозда эшитилар-эшитилмас деди бояги аёл.

— Албатта, шифо топасиз! Республика кўз касалликлари шифохонасига боринг, — ишонч билан жавоб қайтарди онахон.

Пойтахтимизнинг Чилонзор районида истиқомат қилувчи Матлуба опа Абдуллаева сингари республика кўз касалликлари касалхонасида кўплаб беморлар шифо топаётир.

Бекат йўловчилар билан гавжум. Ҳамма манзилга етишга ошиқади. Беихтиёр чорраҳани кесиб ўтаётган ўрта яшар аёлга кўзим тушди. У кўчанинг машиналар ҳаракати бўйлаб юра бошлади. Буни кузатиб турган бир йигит югуриб бориб, аёлни етаклаб бекатга олиб келди.

— Яхшиси, синглим, сиз касалхонага боринг, — деди нуроний аёл. Мен ҳам яқингинада кўзим ожизлигидан қийналардим. Сизга қўли дард кўрмагур дўхтирларнинг дарагини айтаман...

— Фойдаси бўлармикин, — маҳзун овозда эшитилар-эшитилмас деди бояги аёл.

— Албатта, шифо топасиз! Республика кўз касалликлари шифохонасига боринг, — ишонч билан жавоб қайтарди онахон.

Пойтахтимизнинг Чилонзор районида истиқомат қилувчи Матлуба опа Абдуллаева сингари республика кўз касалликлари касалхонасида кўплаб беморлар шифо топаётир.

Бу тиббий масканда 500 дан ортиқ турли кўз касалликлари билан хасталанган беморларга тиббий хизмат кўрсатилади. Касалхона 230 нафар беморга мўлжалланган. Болалар, травматология, жарроҳлик, вирусология бўлими, поликлиника ва контакт-линза лабораториялари беморлар хизматида. Бу тиббий зиё масканида 175 нафар олий маълумотли шифокор ва 115 нафар ҳамшира хасталар теграсида парвона.

Тиббиётчилар жамоаси ҳамиша изланишда. Машаққатли жарроҳлик жараёнлари, узоқ давом этган кўз хасталикларини муолажа қилиш шифокордан аввало, катта тажриба, ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Бемор касалхона поликлиникасига қадам қўйганидан то ёруғ жаҳонни кўриш бахтига муяссар бўлгунча тадбиркор, ширинсўз шифокор ва ҳамширалар қабулида бўлади. Узоқ йиллик тинимсиз изланишлар зое кетмади. Жамоада Маҳфуза Расулова, Гулжамила Комилова, Умида Алимова, Раҳимжон Усмонов, Собир Зарипов сингари кўплаб иқтидорли шифокорлар сулоласи етишиб чиқди.

Инсон учун ёруғ жаҳонни кўришдан маҳрум бўлиш жуда оғир. Афсуски, беморлар учун қанчалик малакали тиббий хизмат кўрсатилмасин, беморлар кўрсаткичи камайиш ўрнига ортиб бораяпти. Экологик вазиятнинг бузилиши, оғир иқтисодий турмуш тарзи, камқонлик кўз касалликларининг тобора ортишига олиб келяпти.

Айниқса, республикамизда катаракта—кўз гавҳарининг лойқаланиши, глаукома — кўзга кўксув тушиши ёки кўз сув йўлларининг беркилиши хасталиги кўп учрайди. Халқимизда бу касалликни назла хасталиги ҳам деб юритилади. Назла хасталигини келтириб чиқарувчи омил асаб тизимининг тез-тез бузилиши ва асабий таранглиқдир.

Республика кўз касалликлари шифохонаси тиббиётчилар жамоаси неча юзлаб хаста дилларнинг нажот топишига сабаб бўлаётир.

— Ўтган йили айни Наврўз кунлари кўзим хиралашиб, аста-секин бутунлай кўрмай қолди, — дейди Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидан келган Тамара опа Маъдиева.— Шу ерда ёруғ жаҳонни кўриш-бахтига муяссар бўлдим. Шифокорлардан, айниқса Гулжамила Комиловадан беҳад миннатдорман. Гўё дунёга қайта келгандекман...

Ҳа, Тамара опа жуда ҳақ гапни айтди. Касалхонанинг 3-жарроҳлик бўлимидан шифо топган қорақалпоғистонлик Ўғилжон Оллаберганова, Тошкент вилоятидан Ханифа Ислова, сирдарёлик Ҳалима Эргашевалар жамоанинг малакали тиббий хизмати, энг муҳими хаста инсонлар қалбига ширин сўзлари, эътиборлари билан малҳам бўлаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

— Ютуқлар ўзимизники. Лекин ҳали муаммоларимиз ҳам кўп,— дейди касалхона бош шифокори Клара Валиева—Микрожарроҳлик ускуналари, жарроҳлик асбоблари, микро нина, микро ипларга тақчиллик сезилиб туради. Айниқса, ЭМНТК аппарати, лазер, Германияда тайёрланадиган «Комбайн» (кўзни текшириш ва даволаш асбоблари ҳосиласи) аппаратлари жуда-жуда зарур. Ҳар бир бемор учун алоҳида набор қўллаш имкониятига эга бўлолмаяпмиз. Келгусидаги режаларимиз эса янада кўп. Машҳур шифокор С. Ф. Фёдоров билан ўзаро шартнома имзоладик. Яқин келажакда Фёдоров илмгоҳининг филиалини очишни мўлжаллаганмиз. Филиал биносини эса Англиянинг меҳр-шафқат жамияти барпо этади. Кўриб турибсизки, ҳали ишлар кўп.. Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бу режаларни амалга оширишда қийинчиликлар туғилиши табиий. Лекин мақсадга сабот ва баҳамжиҳат интилсак эришамиз...

Санда ИУЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Суратда: республика кўз касалликлари касалхонаси тиббиётчилар жамоаси навбатдаги кун режалари устида суҳбатлашмоқда.

Суратқаш В. Тўраев.

«ЧОРИ» ФИРМАСИНИНГ НОЁБ МАҲСУЛОТЛАРИ

XXI аср техникаси — 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган Япония «Чори» фирмасининг кўргазмасини қисқача ана шундай таърифлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси, «Узлегпром», республиканинг ташқи савдо ташкилотлари унинг ташкилотчилари бўлишди.

Бу ерда нималар намойиш этилмаяпти дейсиз! Видео ва аудиоаппаратлар, электрон тикув ва тўқув машиналари, кам литражли автомобиллар, телефон аппаратлари ва автомат жавоб қайтаргичлар, соатлар, қайиқ моторлари, электрон тарозилар, мусиқа асбоблари... «Чори»нинг доим жилмайиб турадиган ва келишимли вакиллари сизнинг биргина илтимосингиз билан электрон товарларнинг конструкциясини тушунтириб, унинг қандай ишлашини намойиш этибгина қолмай, шу билан бирга ўрганинг, бизнинг сиздан яшрадиган ниятимиз йўқ, дегандек чиройли буклетни совға ҳам қиладилар.

— Бу кўргазмани ўтказишдан мақсад — Ўзбекистоннинг, қўшни Ўрта Осиё Республикаларининг аҳолисини, тадбиркорларини «Чори» фирмаси маҳсулотлари билан таништиришдан иборатдир, — дейди фирма бош директорининг ўринбосари Х. Таширо. — «Чори» ваколатхонаси Тошкентда 1989 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Шу вақт ичида кўп ишлар амалга оширилди. Пахта, шойи, турли чиқитлар билан савдо қилиш кенгайди. Республикангиз Мустақиллик тўғрисида декларация қабул қилганлиги, унинг халқаро бозорга мустақил чиқиши ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очади. Ҳозир биз Ўзбекистон Республикасида қўшма корхоналар тайёрлаш ҳақидаги масалани ишлаб чиқмоқдамиз. Бу — Ўзбекистон билан «Чори» фирмаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги даражасидир.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига қўйилган ҳамма маҳсулотни «Чори»нинг ўзи ишлаб чиқармайди. У жаҳонга машҳур бўлган «Брозер» (саноат ва рўзғор тикув машиналари), «Канон» (фотоаппаратлар, нусха кўчириш машиналари), «Ханикс» (кичик ҳажмли экскаваторлар ва ағдарма машиналар), «Судзуки» (кам литражли автомобиллар), «Сони» (телевизорлар, видеомагнитофонлар, аудиоаппаратлар)ни жалб этди, аниқроғи уларнинг молларини намойиш этмоқда. Умуман кўргазмада 40 та тармоқнинг 600 дан зиёдроқ номдаги маҳсулотлари қўйилган.

— Биз «Чори» фирмаси билан икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг раиси Д. Ю. Мирсаидова. — Бизнинг самарали ҳамкорлигимиз ўн йилдан ортиқ вақтдан буён давом этиб келмоқда. Эндиликда у янги омилга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида октябрь ойида намойиш этилаётган кўргазма ҳам шунга кўмаклашади.

Японияннинг «Чори ко. лтд» фирмаси кўргазмасининг тантанали очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари У. Қ. Исмоилов, Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ҲИСОБИНИ БИЛИБ, ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

• *Пахта—минг бир хазина*

Она-еримизнинг бизга аталган энг ноёб инъомларидан бири — пахта, десак муболаға бўлмас. Археолог олимларимизнинг таъкидлашича, аждодларимизнинг ушбу ўсимликдан фойдаланганликларига бир неча ўн минг йиллар бўлган. Демак, у қадимдан ота-боболаримиздан бизга мерос. Аммо бу борада қанча меъёр бузилди, қанча ноқулайликлар келиб чиқди. Айниқса, «миллион»лар пойгаси оқибатида томорқалар асоссиз қисқартирилди. Боғ ва токзорлар яратишга эътибор камайди. Оролнинг ризқини қийдик, кераклигу—кераксиз дориларни ишлатавериб, ернинг тинкасини қуритдик.

Пахта яккаҳокимлиги жумҳуриятимиз халқига жуда кўп кулфатлар олиб келганлигидан кўз юмолмаймиз. «Пахта иши» деб қанчалаб бегуноҳ ватандошларимизнинг қасддан бадном қилингани ҳам рост. Ушбу нуқсонлар жумҳуриятимизнинг янги раҳбарияти томонидан қадамба-қадам бартараф этилиб, шахсий томорқалар кўпайяпти.

Бошқа экинлар учун ҳам ерлар кўпроқ ажратиляпти. Биз ушбу тўғри йўлнинг давом эттирилиши тарафдоримиз. Чунки халқимизга мева-чева, полиз маҳсулотлари, картошка, ғалла ҳам керак. Аммо биз бугун асосий экинимиз бўлган бу йилги пахта ҳосили ва унинг тақдири ҳақида тўхталмоқчимиз.

1991 йилда ҳар тонна пахтанинг харид нархи 1630 сўм қилиб белгиланган бўлса-да, аммо бунинг устига устама яна 50 фоиз оширилди, яъни бир тонна пахта учун энди давлат ўртача 2450 сўм ҳақ тўлайди. Бундан ташқари топширилган пахтанинг навларига қараб унинг ҳақи яна кўпаяди. Шундай қилиб, ушбу шарофатли йилда жумҳуриятимиз хўжаликларида камида 2,6 миллиард сўм қўшимча даромад олиш кўзда тутиляпти. Пахтага тўланадиган янгича нарх ҳосил таннархини қимматга тушираётган техника, уруғ, ўғит ва шунга ўхшаш ортиқча харажатларни қоплайди. Ушбу тадбирлар эндигина мустақилликка эришган жумҳуриятимизнинг дала дарғаларига кўрсатаётган мурувватидан далолат беради.

Юқоридаги тадбирлардан пахтакорларимиз ҳар бир тонна хом ашё учун 700—800 сўм соф фойда кўради. 1990 йил якунида пахтакорларга қўшимча 413 миллион сўм тўланган бўлса, бу йил пахтага янгича нарх тўлаш муносабати билан унинг салмоғи янаям кўпаяди. Пахтани янгича нарх билан сотишдан тушган даромаднинг асосий қисми қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга сарфланади.

Жаҳон бозори билан алоқаларимизда ҳам пахта муҳим роль ўйнайди. Пахтага нафақат олтин олиш мумкин, балки ҳамма нарсани олса бўлади. Биласизларми, ҳозирги кунда жаҳон бозорида бир килограмм пахтага 17 килограмм ғаллани айирбошлаш мумкин. Истаган саноат моллариga айирбошлашда ҳам пахта энг қулай, энг харидоргир воситадир.

Пахта иссиқлик, ер, қуёш ҳарорати, инсон қўли ва қалб қўри ҳамда унинг қайноқлиги рамзидир. У гўё игна билан қудуқ қазигандек мисқоллардан пайдо қилинган тоғ. Шу боис унга дунё бозорида «оқ олтин» деб тош қўйилган. Пахтани қайта ишлаб, тозалаганда 32—36 фоизи нозик толага ажратилади, 60—70 фоизи чигит ва момиқни ташкил этади, чигитнинг таркибида 24—29 фоиз мой бор. Ғўза барги, пояси, илдизи ва пўстлоғидан эса 100 дан ортиқ турли маҳсулотлар — лимон ва уксус кислотаси, турли бўёқ ва қурилиш материаллари, пахта толасидан 50 га яқин, чигитдан эса 45 дан ортиқ турли туман фойдали маҳсулот тайёрланади. Саноатимизнинг кўплаб тармоқларини ҳам пахта ва унинг маҳсулотларисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Ёки ҳосилдорлиги ўртача 30 центнер бўлган бир гектар она-тупроқ ҳимматини олиб кўрайлик. Етти-саккиз ярим минг метр газлама, икки юз етмиш килограмм пахта мойи, 720 килограмм кунжара, 108 килограмм момиқ, 240 килограмм чигит чиқади. Хўш, шундай экан, ризқ-рўзимиз ҳисобланган ушбу бойлигимиз, яъни бу йилги 4,5 миллион тоннага яқин пахта халқимизга нималар беради? Мана, ўша пахта нима беришини бир кўз ўнгингизга келтиринг-а. Ўша пахтадан бир ярим миллион тонна тола чиқиши мумкин. Ҳар тонна толадан эса 10,7 минг погон метр газлама тайёрланиши ҳеч кимга сир эмас. 2 миллион 750 минг тоннага яқин чигит чиқади. Айтайлик, унинг салкам 10 фоизи уруғликка кетса, қолганидан пахта ёғи, яна қанчадан-қанча бинт, момиқ, тўқимачилик ва химия саноати маҳсулотлари, картон ва бошқа нарсалар тайёрланади. Чигитдан ўрта ҳисобда қарийб ярим миллион тонна пахта мойи олишимиз мумкин. Бундан ташқари 2 миллион тоннага яқин кунжара, шелуха ва бошқа озуқа чиқади.

Мустақил жумҳуриятимизнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи шароитида пахта нобудгарчилигига асло йўл қўйиб бўлмайди. Республикамиздаги аҳвол ҳақида ўйлаб турган пайтимда доно халқимизнинг дурдона фикрлари дан ушбу калима ёдимга тушиб қолди:

Ҳисобини билган—бир йил етим,
Ҳисобини билмаган—минг йил етим.

Дарҳақиқат, ҳисобни биладиган, унинг мағзини чақадиган пайт келди. Зинҳор буни ёддан чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун пешона тери эвазига, заҳматли меҳнат натижасида етиштирилган дуру-гавҳарни кўзимизга тўтиё қилиб, авайлаб-асраб йиғиб-теріб олайлик!

М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисод фанлари доктори, профессор.

(● Ушбу мақола қалам ҳақи муаллиф илтимосига кўра республика Болалар жамғармасига ўтказилади).

Эшитмадим, деманглар

Республикамизда

● Яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат опера ва балет театрига истеъдодли сўз устаси, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Президенти Кенгашининг аъзоси Шукруллонинг қаламкаш дўстлари, қариндош-уруғлари, яқинлари, дўстлари, унинг мухлислари йиғилдилар.

Бу ерда шоир туғилган кунинг 70 йиллигига бағишлаб юбилей кечаси ўтказилди.

Кечани адиб Одил Ёқубов кириш сўзи билан очди. У Шукруллонинг ижодий йўли гул ва тиканларга тўла бўлганлигини қайд этиб ўтди. Танқидчи Иброҳим Ғофуров шоир ижодий таржимаи ҳолининг асосий даврларини эслатиб ўтди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров қатнашдилар.

Мамлакатда

● СССР Президенти М. Горбачев «СССР Президенти ҳузуридаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ишлари комитетининг раиси тўғрисида»ги Фармони қисман ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида Фармон чиқарди.

● СССР Президенти М. Горбачев иқтисодиёт соҳасида иқтисодий саботажга ва бошқа жиноятларга қарши курашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги фармон ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида Фармон чиқарди.

● СССР Давлат Кенгаши давлат хавфсизлиги идораларини қайта тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси Е. Лигачев август тўнтаришига алоқаси борлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ҳақда «1991 йил 19—21 август тўнтаришида КПСС ва РСФСР Компартияси ташкилий тузилмаларининг ўрни тўғрисида» РСФСР Олий Кенгаши тузган комиссиянинг аъзоси А. Сурков ахборот берди.

● Тожикистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси жумҳурият ҳудудида диний руҳдаги сиёсий партиялар тузилишини таъқиқлаш тўғрисидаги аввалги қонун ҳужжатларини бекор қилди.

● Тожикистон Республикаси Президенти умумхалқ сайловини шу йилнинг 27 октябридан 24 ноябрига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хорижда

● Зимбабве пойтахтида ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ҳукумат бошлиқларининг учрашуви ўтказилди.

У «Миллатлар клуби»нинг 90 йиллардаги ва шундан кейинги даврдаги стратегиясини белгилади.

Якунловчи ахборотда учрашув қатнашчилари «Совуқ уруш» тугаганини табрикладилар. Бу нарса ялпи тинчлик, хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт учун янги, қулай имкониятлар очиб берганини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳурматли муштарийлар!

«Ўзбекистон овози»га обуна давом этмоқда

баҳоси:

1 йилга — 25 сўм 68 тийин; ярим йилга — 12 сўм 84 тийин; 3 ойга — 6 сўм 42 тийин. Нашр кўрсаткичи — 64583.

«Ўзбекистон овози» рўзномасига ёзилдингизми?

ҚАРС—ИККИ ҚЎЛДАН

Хоразм — республикадаги газетхон вилоятлардан бири. Бу ерда келгуси йил учун обуна қабул қилиш қизғин давом этяпти. Пахта, жун ва шолининг харид нархлари оширилгани муносабати билан давлат ва жамоа хўжаларининг кассасига, деҳқон ва чорвадорларнинг киссасига мўмай пул туша бошлади. Ҳозир «Союзпечать» агентлиги ходимлари, жамоатчилик асосларида матбуот тарқатувчиларнинг ишлари янада кўпайиб кетди. Сабаби, рўзнома ва ойномаларга обуна қабул қилишни сўраб мурожаат қилаётганлар сони кун сайин ошиб боряпти.

Ана шундай долзарб паллада «Ўзбекистон овози» таҳририяти обуна қабул қилишда янгича иш тутаётгани муштарийларга ҳам, «Союзпечать» ходимларига ҳам маъқул тушди. Рўзнома обунани корхона, ташкилот ва муассасалар, давлат ва жамоа хўжаликлари бошқарувлари билан ўзаро шартнома асосида олиб боришни ҳам уюштиряпти.

— Бу айни муддао бўлди, — дейди Янгибозор районидаги «Маданият» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Э. Ваисов. — Жамоамиз азалдан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг мухлиси бўлиб келган. Биз келгуси йил учун ҳам ҳар бир хонадоннинг шу рўзномага ёзилишини таъминлаймиз. Хўжалик, шунингдек, иқтисодий қийналиб қолган кишилар, пенсионерлар ва кўп болали оилалар, меҳнатда бошқаларга намуна кўрсатаётган деҳқон ва чорвадорлар обунасининг бепул бўлиши ёки обуна нархининг бир қисмини тўлашни ўз зиммасига олади. Қишлоқда 520 хонадон келгуси йилда «Ўзбекистон овози»нинг муштарийси бўлади. Айни пайтда рўзнома таҳририяти ҳам ўз зиммасига мажбурият олаётгани маъқул иш бўляпти. Чунки ҳамма жойдаги сингари бизда ҳам яхши ишлар, тажрибалар бор, шунингдек, амалга ошишини кутиб турган, аммо уни бажариш ўзимизнинг қўлимиздан келмаётган муаммолар ҳам кўп. Шуларни рўзнома саҳифаларига олиб чиқишингизни сўраймиз. Зора мутасадди ташкилотлар муқкулимизни осон қилишга кўмаклашса...

— Рўзноманинг ҳар бир чиқиши айниқса, қишлоқ аҳолисига катта далда бўлади, уни яхшироқ ишлашга руҳлантиради, — дейди Урганч районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Й. Эгамбердиев. — Рўзнома беминнат ташвиқотчи, тарғиботчи, ташкилотчи бўлгани сабабли обуна мавсуми бошидаёқ хўжаликдаги ҳар бир хонадоннинг унга ёзилишини таъминлаш учун шу соҳадаги ишларни кучайтирдик. Шу кунгача юздан ортиқ киши унга ёзилган эди. Ўзаро шартнома тузилаётгани ҳам бу соҳада яхши янгилик. Биз яна 450 кишининг «Ўзбекистон овози»га ёзилишини таъминлаш учун шу шартномага имзо қўямиз. Албатта, хўжалик бошқаруви обуначиларга ўз навбатида иқтисодий ёрдам ҳам беради.

Шовот районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалиги бир қатор саноат корхоналари барпо этилаётган колхозлардан бири. Бу ерда консерва заводи ишлаб турибди. Хўжалик республикада биринчи бўлиб шиша идишлар корхонасини қуришга қўл урди. Хўжалик бошқаруви келгуси йилда қишлоқда пахта заводи қуришни ҳам мўлжалламоқда. Бу ерда беиш киши қолгани йўқ. Ҳамма доимий иш билан таъминланган.

— Бизнинг бу соҳадаги режаларимиз катта, — дейди хўжалик раиси Қ. Қуронбоев. — Бу ишлар «Ўзбекистон овози» рўзномасида ўз аксини мунтазам топиб бораётганидан миннатдормиз. Рўзномадаги чиқишлар айни пайтда мавжуд муаммоларни изчил ҳал этишга ҳам ёрдам беряпти. Шу сабабли хўжалик бошқаруви рўзнома таҳририяти билан қўшимча 400 кишини унга обуна қилишни ўз зиммасига олиб шартнома тузди. Аммо бундан обуна мажбурий экан, деган маъно чиқмайди. Қишлоқдаги ҳар бир хонадон, ҳар бир меҳнаткаш «Ўзбекистон овози»ни севиб ўқийди. Яқинда ўтказган суҳбатимизда ҳам улар ёппасига ана шу рўзномага ёзилиш истагини билдирдилар.

Вилоятда ўзаро шартнома асосида обуна қабул қилиш давом этяпти. Жумладан, Урганч районидаги «Пахтакор», Ленин номли, Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари «Ўзбекистон овози»нинг 220—300 нусхасига, Янгибозор районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги, «Россия» давлат хўжалиги, Шовот районидаги «Правда» ва бошқа жамоа хўжаликлари 250—350 нусхага обуна бўлишини таъминлаш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият олиб шартномага қўл қўйишди. «Ўзбекистон овози» таҳририяти ҳам ўз навбатида ана шу хўжаликлардаги ижобий ва салбий жиҳатларни, кишиларнинг турмуши, хўжаликларнинг ҳаётига доир муаммоларни ўз саҳифаларида ёритиб боради.

«Ўзбекистон овози» рўзномасига обуна қабул қилиш давом этмоқда. Ўзаро шартнома асосида обуна қилиш бу ишдаги янгиликдир. Биз ҳурматли муштарийларимизни, корхона, ташкилот, муассаса ҳамда давлат ва жамоа хўжаликлари бошқарувларини ана шу янгиликдан фойдаланишга даъват этамиз.

Р. ТУРСУНОВ,
А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

КОРЧАЛОНЛАР ДОИРАСИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧОРИ КО., ЛТД» ЯПОН ФИРМАСИ
ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ
«ЎЗБЕКЛЕГПРОМ» ДАВЛАТ АССОЦИАЦИЯСИ

СИЗЛАРНИ

1991 йил 24—25 октябрда

«ТОШКЕНТ—91, МАШИНАЛАР ВА УСКУНАЛАР» ҚЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кўргазма экспонатлари ичида: автомобиллар, геология-қидирув ускуналари, қурилиш машиналари, саноат ва маиший тикув машиналари, бичиш жиҳозлари, алоқа аппаратлари, аудио-видео техника, ташкилий техника, соатлар, мусиқа асбоблари бор.

Кўргазманинг иш вақти — соат 10 дан 18.00 гача.

Кўргазмага фақат таклифномалар билан кирилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй, Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, «Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари» павильони.

39-11-87, 39-11-80, 39-11-17 телефонлари бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «Чори» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонасига — 41-41-77, 41-83-73 телефонлари орқали қўнғироқ қилиб, ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай ахборотни олишингиз мумкин.

КЎРГАЗМАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«Ипак» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

УРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

Тутчилик агротехникаси ва селекцияси бўлимининг мудири (доктор ёки фан номзодлари) **бўш лавозимига**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов муддати — 10 ноябргача.

Танловдан ўтганлар имтиёзли шартлар бўйича турар-жой билан таъмин этилади.

Ҳужжатлар, танловлар ҳақидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилгоҳга жўнатилсин: 700044, Тошкент вилояти, Калинин райони, «Жарариқ» бекати.

Телефон 46-16-91, расмийлаштириш бўлими.

КОРХОНАЛАР ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент Илмий-техника жамияти Техника уйи қошидаги

БРОКЕРЛИК БЎЛИМИ

СИЗЛАРГА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Биз «Тошкент» универсал биржасида Сизларнинг манфаатларингизни ифодалашга тайёрмиз!

Сизнинг топшириғингизга биноан биз:

— асбоб-ускуналар, моллар ва хом ашёни сотиб олиш;

— Сизларнинг молларингиз, хом ашёингиз ва мол-моддий бойликларни сотиш;

— фьючерс битишувларини ва бошқаларни тузиш сингари бутун брокерлик хизматлари мажмуини **бажара оламиз.**

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй, 5-хона. Телефон: 32-01-29.

«АГРОФУР» қўшма корхонаси

АҲОЛИДАН, ЖАМОА ВА ШУРО ХЎЖАЛИКЛАРИДАН

НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ерёнғоқ, нўхот, мош, жўхори, саримсоқ, пиёз ва барча турдаги зираворлар ва дориворларни

ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРДА СОТИБ ОЛАДИ

Шунингдек, маҳсулот топширувчи кишиларнинг хоҳишига кўра уларга тижорат баҳоларидан анча паст нархларда халқ истеъмоли молларини сотиш ҳам мумкин.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: 700150, Тошкент шаҳри, Сирғали райони, Беруний кўчаси, 14-уй.

Телефон: 92-15-23.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1961 йилда олий билимгоҳни тугатган провизорларни 9 ноябрь куни эрталаб

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Хабарни 25 октябргача кутамиз.

Манзилгоҳимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

Телефонлар: 56-38-25, 56-37-78.

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШГАНДА

ОДИЛЛИК — ОДИЛОНА ҲУКМ

Жумҳуриятимиз мустақил бўлди. Энди нима қилишимиз керак?! Мустақиллик ҳар бир инсондан бошқача ишлашни талаб қилади. Мустақиллик фақат қоғозда бўлмаслиги учун ҳар биримиз ўз соҳамизда бурилиш ясашимиз лозим. Халқимиз биздан интиқиб кутаётган масала — жиноятчиликка қарши курашни, айниқса, кучайтиришимиз зарур. Хўш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура ва халқ судларининг ишлари қандай? Матбуот саҳифаларида, радио-телевидениеда берилаётган жиноятчиликка оид материалларни олиб қарасак асосан суд жараёни, суднинг ҳукмлари устида сўз юритилади ва аксар ҳолларда ҳукмдан норози бўлиб, судни айбдор қилишади. Масалан, Марказий телевидениенинг «Ички ишлар вазирлиги хабар қилади» кўрсатувининг бир сонида Тошкент шаҳар Сирғали район халқ суди томонидан Ўзбекистон Жиноят кодексининг 210-моддаси билан судланган фуқаронинг жиноий иши кўрилгани айтилди ва «милиция ходимлари бир неча кун изига тушиб, машаққат билан ушлаган ашаддий жиноятчига суд енгил жазо белгилади» деб тамоман асоссиз танқид қилинди. Шов-шув қидириб юрувчи мухбирлар қачонгача пашшадан фил ясашади? Ахир, арзимаган нарсани бутун Иттифоққа ноғора қилиб кўрсатиш керакмиди?

Бизнинг район халқ суди мажлисларида ҳам ҳар хил жиноий ишлар кўрилади. Халқимиз «одил суд» дейди. Одил суд эса одилона ҳукм чиқармоғи керак. Бунинг учун тергов материалларини синчиклаб ўрганиш, судда гувоҳлик берувчиларнинг ва айбдорнинг кўрсатмаларини чуқур таҳлил қилиш зарур. Агар суд жараёнида кўрсатмалар дастлабки тергов материалларига тўғри келмаса, айбдорга қўйилган модда нотўғри деб топилиб, бу иш қайта терговга берилгани маъқул. Бундай ҳолларда суд мажлисида иштирок этаётган прокуратура ходимлари: «Модда тўғри қўйилган, шу моддага асосан ҳукм чиқариш керак», — деб қаттиқ талаб қўйишади. Бизнингча, бу тўғри эмас. Ахир, инсон тақдири ҳал бўляпти. Судланувчининг қандай инсон эканлигига, жамиятда тутган ўрнига, келажакда қандай бўлишига эътибор беришимиз керак-ку?!

Айниқса, вояга етмаганларнинг ишлари кўрилаётганда уларнинг тақдирига бефарқ қарамаслик керак. Халқимиз ўсмирларни ёш ниҳолга ўхшатади. Ниҳолни эса қаёққа эгсанг ўша ёққа қараб ўсади. Ўсмир қандай қилиб жиноятга қўл уради, ўзи онгли равишдами ёки атрофдагиларнинг таъсиридами? Суд жараёнида судланувчининг оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла вакиллари ва жамоа ўз ҳимоясига олиб, унинг тарбияси билан шуғулланишни зиммасига олса, ўзини қамоқдан ташқари жазо сўралса, инобатга олиш керак.

Жумҳуриятимиз мустақил давлат деб эълон қилиниши муносабати билан Президентимиз авф (амнистия) ҳақида Фармон чиқарди. Ушбу Фармонда вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар, қариялар ва ногиронларга катта ғамхўрлик қилинган. Шу нуқтаи назардан қараганда вояга етмаганларга нисбатан прокуратура, суд оғир жазо қўллаши тўғримикин?! Афсуски, баъзан суд мажлисида иштирок этувчи прокурор қандай бўлмасин ота-онадан, маҳалладан, жамоадан маҳрум қилиб, уларга қаттиқроқ жазо берилишини, яъни қамалишини талаб қилади. Мисолларга мурожаат этайлик.

Сайёра Аъзамхўжаева — 1975 йилда туғилган, ҳали 16 ёшга тўлмаган, илгари судланмаган, «Малика» фирмасида тикувчилик қилган, иш жойидан ижобий характеристика берилган. Отаси шофёр. Онаси тикувчи. Сайёра бир аёлнинг сумкасини олиб қочмоқчи бўлганида ушланган. Ўзбекистон Жиноят кодексининг 126-моддаси 2-қисми билан айбланган, суд уни 3 йил озодликдан маҳрум этиб, 44—1-моддасига асосан жазо ижросини икки йилга кечиктириш ҳақида ҳукм чиқарган. Прокурор эса шафқатсиз равишда 5 йилга қамоқ жазоси тайинлашни сўраган. Бундай ҳолни қандай баҳолаш мумкин? Прокурор нимага асосланиб 44—1-моддаси қўллашни рад этди? Ахир, жиноятчи вояга етмаган, бунинг устига у қиз бола... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Эътибор беринг: прокурор суд мажлисида жазонинг қаттиқроқ бўлишини талаб қилади. Лекин бу ҳукм шаҳар судида бекор қилинса, судни айблаймиз. Ҳа, ҳали бирор жойда нотўғри ҳукм учун прокурор жавобгар бўлган эмас. Шаҳар ва район прокуратураларининг ходимлари ёшлар тақдирига бефарқ қарамаслиги керак. Чунки жиноятларнинг 20—30 фоизини вояга етмаганлар содир қилаётган бўлса, қолгани катта ёшдагиларга тегишлидир.

Афсуски, оғир жиноятлар кўпинча очилмай қоляпти. Тергов ва прокуратура ходимлари эса «Биз жиноятчиларни ушлаяпмиз, лекин суд енгил жазо беряпти,» деб судни айбдор қилиб кўрсатяпти.

Ҳеч кимга сир эмас, босқинчилик, хонадонларда содир бўлаётган ўғирлик, кишиларни қўрқитиб пул талаб қилиш жиноятлари бир киши томонидан қилинмайди. Бизда эса бир одамни ушлашади-да, ҳамма айбни унга қўйиб, гўё жиноий ишни очган бўлишади. Асосий айбдорлар эса очиқда бемалол юришади. Улар бошқаларга зарар келтирмайди, жиноят қилмайди, деб ким кафолат бера олади? Шу йил май ойида вояга етмаган Қўзиев, Абзаловлар иши кўрилди. Карим исмли шахс уларни жиноятга бошлаган. Асосий айбдор ана шу Карим бўла туриб, уни ушлашга ҳаракат қилинмаган. Ваҳолонки Қўзиев билан Абзалов унинг уйини ҳам билишган. Хуллас, вояга етмаган Қўзиев ва Абзаловга ўхшаганлар қамалиб кетаверади, лекин Карим сингари шахслар яна атрофига вояга етмаганларни тўплаб жиноят қилишаверади. Бунга қатъиян чек қўйиш шарт.

Бизнингча тергов ва прокуратура ходимлари ўзларининг масъулиятларини оширишлари лозим. Жиноят содир этилгандан кейин эмас, балки жиноятнинг олдини олиш учун ҳаммамиз биргаликда курашмоғимиз керак. Ана шундагина муваффақиятга эришамиз ва халқимиз тинч бўлади.

Қ. ТОШМЕТОВ,
Тошкент шаҳар Октябрь район халқ суди раиси.

СПОРТ

ДАЪВОГАРЛАР

● ЧИМ ХОККЕЙ бўйича аёллар жамоалари ўртасида мамлакат чемпионати якунланмоқда. Яна бир тур учрашувларидан кейин мавсумга нуқта қўйилади. Бориспол шаҳрининг «Колос» хоккейчилари муддатидан олдин чемпионатнинг олтин медалларини олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Улар «Андижанка» қизларини қабул қилиб (2:1) устун келишди. Бу жамоа ҳисобидаги очколар 43 тага етди. Зеро, «Андижанка» ва Бухоронинг «Ситора» қизлари ҳам бўш келишмаяпти. Улар айни пайтда 32 ва 27 тадан очко тўплаб, чемпионатнинг кумуш ва бронза медалларига даъвогарлик қилишмоқда.

ҲАЙРЛИ УЧРАШУВЛАР

● ТОШКЕНТДА «Пахтакор» футболчилари билан турли йилларда тўп суриб, ишқибозлар эътиборини қозонган ўйинчилардан тузилган жамоа ўртасида хайрия учрашуви ўтказилди. Учрашув кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Асосан ёш пахтакорчилардан тузилган жамоа бўш келмасликка ҳаракат қилди. Ҳисобни ҳам улар биринчи бўлиб очишди. Кейин Юрий Ожем ҳисобни тенглаштирди. Мухлисларга яхши таниш Андрей Якубик 11 метрли жарима тўпини аниқ нишонга олди. Олег Синелобов ҳисобни 2:2 қилди. Учрашувдан тушган маблағ хайрия мақсадларида фойдаланилади.

ПЕШҚАДАМЛАР МАҒЛУБИЯТИ

● БИРИНЧИ ЛИГА жамоалари ўртасида ўтказилган навбатдаги учрашувларда юқори ўринларни эгаллаб турган уч жамоа қимматли очколар йўқотди.

Фарғонанинг «Нефтяник» ва Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари ҳам ўз майдонларида иккитадан ғалабага эришиб, 41 тадан очко билан бир поғона кўтарилиб, 8—9 ўринларни эгаллаб туришибди.

● «Пахтакор» — «Спартак» учрашувида ўйинқоҳ мухлислар билан гавжум бўлди. Учрашувнинг 24-минутида А. Пятницкий киритган ягона тўп пахтакорчиларга ғалаба келтирди.

Даврон АҲМАД сурат лавҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсати, Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Тошкент Давлат Иқтисодиёт дорилфунунининг ректори С. Ғуломовга онаси

Мунаввархон ҒАНИХОН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитети мутахассислари ва раҳбар ходимлари малакасини ошириш курси Нишон район босмахонаси директори О. Турсуновга турмуш ўртоғи

Бўритош РУЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети жамоаси проректор, профессор Т. С. Сатторовга акаси

Мирзаахмат УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Средазгипроцелинстрой» илмгоҳи жамоаси илмгоҳ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи

Пўлат Абдухолиқович ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси, «Ахборот» ижодий бирлашмасининг катта муҳаррири А. М. Азимовга отаси

Малик АЗИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узмясомолторг» гўшт ва сут маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилувчи республика идораси жамоаси идора бош муҳандиси А. Исмоиловга отаси

Абдумажид қори ИСМОИЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 21.00.

№ 205.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.